
МАРҒИЛОН ШАҲРИДАГИ БАРЧА РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАЛАРИДА ОВОЗ БЕРИШ БОШЛАНДИ

Марғилон шаҳридаги мавжуд 64 та референдум участкаларида соат 8:00да Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради ва овоз бериш жараёнлари бошланди.

Жумладан "Пичоқчи" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Тадбиркорлар уйи"да жойлашган 241-сайлов участкасида муҳим сиёсий жараёнга пухта ҳозирлик кўрилган.

Сайловчилар ва участка аъзолари учун қулай шарт-шароитлар мавжуд.

Овоз бериш жараёнида марғилонликлар фаол иштирок этишмоқда.

2023-04-30 11:44:16